



Tel: 0 (372) 335-43-40 Fax: 0 (372) 335-43-40 E-mail: i.dustlik@sud.uz

**Ўзбекистон Республикаси номидан  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

2022 йил 06 декабрь Дўстлик шаҳри 4-1304-2202/2728-сонли иш

Судья О.Эргашев, аризачи Арнасой тумани Давлат солиқ инспекциясининг жавобгар NORBOYEVA SHAXRIZODA хусусий корхонасининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси бўйича ишни судья ёрдамчиси А.Исожоновнинг котиблигида, аризачи вакили Қ.Бастамов (ишончномага асосан)нинг иштирокида, жавобгар вакили иштирокисиз, Дўстлик туманлараро иқтисодий суди биносидан очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и:**

Арнасой тумани Давлат солиқ инспекцияси судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар NORBOYEVA SHAXRIZODA хусусий корхонасининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни 2022 йил сентябрь ойи учун айланмадан олинмаган солиқ бўйича солиқ ҳисоботларини тақдим этгунига қадар бўлган муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили Қ.Бастамов кўрсатма бериб, жавобгар томонидан суд мажлиси кунига қадар солиқ ҳисоботлари тақдим этилмаганлигини билдириб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисида вакил иштирокини таъминламади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 220-моддасига асосан, ишни жавобгар вакилининг иштирокисиз, тўпланган ҳужжатлар асосида кўриб чиқишни лозим деб топди.

Суд, иш ҳужжатларини ўрганиб, аризачи вакилининг тушунтиришларини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим деб топди.

Ишдаги ҳужжатлар ва суд муҳокамасида аниқланишича, NORBOYEVA SHAXRIZODA хусусий корхонаси томонидан солиқ инспекциясининг 2022 йил сентябрь ойи учун айланмадан олинмаган солиқ бўйича солиқ ҳисоботлари тақдим этилмаганлиги аниқланган. Шу сабабли, Арнасой тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг қарори билан жавобгарнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича барча чиким операциялари 10 кун муддатга тўхтатилган ҳамда банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида жавобгарнинг шахсий кабинетига хабарнома, қарор эса ижро этишлик учун хизмат кўрсатувчи банкка юборилган. Шунга қарамай жавобгар томонидан ҳисобот топширилмагач, аризачи судга солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган.



Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82-моддасига кўра, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади, 273-моддасига кўра эса, солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

Мазкур Кодекснинг 111-моддасида солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкинлиги, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкинлиги, бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилиши белгиланган.

Жавобгар томонидан солиқ ҳисоботи тақдим этилмаганлиги ҳолати ишдаги мавжуд ҳужжатлар билан тасдиғини топганлигини инобатга олиб, суд аризани қаноатлантиришни, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича аризачи ва жавобгар давлат божи тўлашдан озод этилганлигини инобатга олиб, давлат божи ундирмасликни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 222-моддасига кўра, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисида билдирилган талаб қаноатлантирилган тақдирда, суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялар қандай шартлар бажарилгунга қадар тўхтатиб қўйилганлиги кўрсатилиши керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82, 111, 273-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179, 220, 220, 222-моддаларини қўллаб, суд

### **қ а р о р   қ и л д и:**

Ариза талаби қаноатлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасига асосан жавобгар NORBOYEVA SHAXRIZODA хусусий корхонасининг банклардаги ҳисобварақларининг чиқим қисми (фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақлар бундан мустасно) бўйича операциялари жавобгар томонидан 2022 йил сентябрь оyi учун айланмадан олинандиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботлари топширилгунга қадар тўхтатиб турилсин.

Жавобгар томонидан қайд этилган камчиликлар бартараф этилгач банк томонидан солиқ органининг қарорига (маълумотига) асосан хўжаликнинг ҳисобварақлар бўйича операциялари тиклансин.



Ҳал қилув қароридан норози тараф ўн кун муддат ичида Жиззах вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

**Судья**

**О.Эргашев**

Ҳужжат имзоланган: Эргашев Олим Шавкатович, 15.12.2022

